



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 18 июнь, шанба

№ 49 (11.748)

Эркин нарҳда сотилади

## ЯГОНА МЕЗОН – ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ ВА ЯНА БИР БОР ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 16-17 июнь кунлари ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.**

### ВАТАН ОСТАНАДАН БОШЛАНДИ

Юртбошимизнинг маъруз ташрифи давомида асосий эътибор мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, жанубий сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш масаласига қаратилди. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқаро майдонда тинчлик ва барқарорликка нисбатан турли таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда бу масаланинг ўта долзарб аҳамият касб этиши барчага аён, албатта.

Агар Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон геостратегик макъеи билан жаҳондаги кўлаб катта-кичик давлатлар ва сиёсий кучларнинг эътибори ва қизиқишини ўзига тортиб келаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Термиз шаҳри ва Сароисиё туманида бўлиб, Афғонистон ва Тожикистон билан туташ худудларимиздаги бугунги ҳолат билан танишиди, бу ерда хизмат қилаётган ватан посбонлари, чегарачи ҳамда божхона хизматчилари билан учрашувлар ўтказди.

Бўлиб ўтган сўхбатлар чоғида Президент Ислам Каримов Андижон воқеалари ҳақида яна бир бор фикр билдириб, ана шу фожианинг сабаб ва оқибатлари ҳамда ундан келиб чиқадиган сабоқ ва хулосалар тўғрисида атрафлича тўхтади.

Маълумки, Юртбошимиз 14 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида Қирғизистон мисолида бирор-бир давлат ёки худуддаги нотинч вазият, қарама-қаршилик, фуқаролар уруши ёки барқарорликнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар ҳеч қачон шу худуд чегарасида узоқ вақт сақланиб қолмаслиги, уларнинг эртами-кечми чегаралардан ошиб, қўшни давлатлар худудига тарқалиб кетиши мўжаррар экани ҳақида ташвиш ва изтироб билан гапирган эди.

Шу ўринда айтиш керакики, Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳаётида тасодифан бўлган воқеа эмаслиги вақт ўтган сари тобора аён бўлмоқда. Олиб борилаётган дастлабки тергов ишлари натижасида бу машъум сиёсий фитнага олдиндан пухта тайёргарлик қўрилгани, уни амалга ошириш билан боғлиқ қабیح режалар қачон ва қаерларда ишлаб чиқилгани, кимлар бу ҳаракатнинг ташкилотчиси эканини курсатадиган далил ва маълумотлар кўлга киритилмоқда.

Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисм аскарлари ва офицерлари билан бўлиб ўтган сўхбат чоғида давлатимиз раҳбари бир ҳолатга эътибор қаратди. Яъни, Андижондаги жиноий ҳаракатларнинг иштирокчилари – уларнинг номи «хизб-ўл-таҳрир»чи ёки «акромий» бўлгани, бундан катти назар, бу галамиз кимсаларнинг кирдикорлари халқимиз, жамоатчилигимиз учун янгилик эмас. Уларнинг ёвуз ният ва уришлари нимага қаратилгани ҳам биз учун сир эмас. Биз бундай бузғунчи тўдаларнинг мақсадларини 1991 йилдан бошлаб дастлаб Наманганда, кейинчалик 1999 йил февраль воқеаларида, 2000 йилда Янгиобод, Сароисиё, Узун ва Бурчинмуллада, 2004 йилда Ромитан тумани ва Тошкент шаҳрида амалга оширилган кўпурвучилиқлар мисолида кўрган эдик.

Аслида бу разил кучларнинг номи ҳар хил, лекин мақсади бир, деб таъкидлади Ислам Каримов. Содда одамларни ёлғон ваъдалар билан дўқлатиш, юртимиздаги конституциявий тузумни, қонуний ҳукуматни зўрлик билан ағдаришга уриниш, тинч-осойишта ҳаётни издан чиқариш, шу тариқа Ўзбекистонни ўз танилган тараққиёт йўлидан қайтариш, мамлакатимизнинг мустақил сиёсат олиб бориш ҳаракатига йўл бермаслик ва охири-оқибатда ўзига қарам қилиб, унинг ноёб бойликлари, ер ости захираларига эгалик қилиш – мана уларнинг асл нияти. Шу йўл билан улар ўзларининг узоқ ва давомли геостратегик режаларини амалга оширмоқчи.

Андижонда содир этилган фожиа иштирокчилари ақлини йўқотган, халқнинг

тинч ҳаётини кўролмайдиган қора кучлар экани фош бўлмоқда. Лекин бугунги вазиятнинг хавфли томони шундаки, бу террорчи тўдаларнинг ортида улардан бу зор манфаати йўлида фойдаланишни кўзлаган, катта маблағ ва таъсирга эга сиёсий кучлар турганини тушуниш қийин эмас. Ҳеч шубҳасиз, бундай кирдикорлар эртами-кечми барибир оқилади, аммо одамларимиз ўз фикри, ақл-заковатига таяниб, Андижонда рўй берган воқеалар атрофида айрим хорижий мамлакатларда баъзи оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган шов-шув ва уйдирмалар кимнинг манфаатига хизмат қилишини аниглаб олишни истардим, деди Ислам Каримов.

### «ДЕМОКРАТИЯ – ХАЛҚ ҲОҲИШ- ИРОДАСИНING ҲУКМРОНЛИГИ...»

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги биносида воҳа фаоллари ва жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда Президент ҳамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ стратегик мақсадлар ҳақида атрафлича сўз юритди.

Биз Ўзбекистонда демократик жамяят барпо этиш йўлида мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб меҳнат қилиб келмоқдамиз. Биз демократияни кимгадир ёқиб, кимгадир ҳисоб бериш учун эмас, балки у бизнинг пировард мақсадларимизга ҳавоб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилли бўлгани учун қурмоқдамиз.

Лекин демократияни кўр-кўрона кўчириб, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт қилиб бўлмайди. У ҳар қайси халқнинг минг йиллик анъаналари, миллий қадриятлари ва замонвий дунёқараш негизда табиий равишда вужудга келиши лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибасида шуни кўрсатадики, демократияга ҳар қандай жамяят босқичма-босқич эришган тақдирдагина у самара бериши мумкин.

Демократия – бу халқ хоҳиш-иродасининг ҳукмронлигидир, деб таъкидлади Ислам Каримов. Шу боис ҳам бугун мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг маъно-моҳияти, мезони битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати.

### «БИЗЛАР ИШЛАПМИЗ, БУ МЕҲНАТ, ХОЛОС...»

Бугун беоёни Ўзбекистоннинг қайси вилоят, шаҳар ёки туманига борманг, ҳамма жойда одамлар қизгин меҳнат билан банд эканини кўрасиз. Айниқса, захматхаш деҳқонларнинг қўли-қўлига теғмайди. Қишлоқда иш қайнаб ётибди. Бир томонда – пилла терими якунига етаётган бўлса, бир томонда – галла ўрими жадал давом этмоқда, ям-яшил далаларда эса гўза парварши авжда.

Айрим қўшниларимиз митингбозлик, идораларни навбатма- навбат босиб олиш, мулк жанжаллари билан овора бўлган бир пайтда юртимизнинг фидойи инсонлари, қирқ даража иссиққа қарамасдан, ўз вазифаси, меҳнат бурчини тинчлик-хотиржамлик билан адо этмоқда.

Ислам Каримов ҳар икки вилоятда ишининг қўзини биладиган, тажрибали, кўпни кўрган деҳқонлар билан сўхбатда бўлиб, уларнинг меҳнати, ўй-кечинмалари, ҳаётий режалари билан қизиқди.

Бошда давлат раҳбарининг бироз салобати босиб турган пахтакор ва галлакорлар Юртбошиминг содда, самимий, расмиётчиликдан холи муомаласидан сўнг очилиб кетиб, чин дилдан гурун қилишди. Сароисиё туманидаги Г. Хидиров ва Й. Оқунбобоев номидаги, Қарши туманидаги «Бешкент» ширкат хўжалиқларида пудратчилар билан бўлган сўхбатлар чоғида ҳам асосан гап қишлоқдаги бугунги ҳаёт ҳақида борди.

Қишлоқда деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, ер унумдорлигини ва деҳқонларнинг даромадини ошириш, қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларга тегишли шароит яратиб бериш, янги иш ўринларини яратиш, ишни тўғри ва самарали ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр алмашилди.

Яқин-яқингача ҳар гектар ердан 40-50 центнер галла ҳосили кўтариш ўзига хос рекорд ҳисобланар эди. Эндиликда илгор фермерлар, пудратчилар учун 70-75 центнер ҳосил олиш одатий ҳолга айланиб, Қашқадарё ва Сурхондарёда ҳам бундай хўжалик ва фермерлар сафи кенгайиб бораётгани ҳар қандай одамни албатта қувонтиради.

Бугунги кунда фермерлик қишлоқ хўжалигини юритишнинг бошқа усулларидан афзал ва устун эканини деҳқонларимиз ҳам, соҳа мутасаддилари ҳам ҳар томонлама тушуниб, эътироф этмоқда, деди Ислам Каримов. Лекин асосий гап – ҳаракатни тўғри йўлга қўйишда, бунинг учун эса масаланинг ҳамма томонини чуқур ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб керак. Кўп марта айтилганидек, ерни ҳақиқий эгасига – ўз даласига меҳр қўйган, деҳқончилик илмининг сир-синаотини, ишининг негизини биладиган, фидойи инсонларга топшириш керак.

### ФАРЗАНДЛАР БАХТИ – ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ

Ўзбек халқи азалдан умрининг мазмунини фарзандлари келажагида, уларнинг камоли, бахту саодатида кўради. Умид билан ўғил-қиз ўстиради, уларнинг орзу-хавасини кўрай деб ният қилади. Халқимизнинг ана шундай азалий интилиши бугун Ўзбекистонда болалар ва ёшлар истиқболини ўйлаб амалга оширилаётган кўп қиррали давлат сиёсатининг замирида ўз ифодасини топмоқда.

Президент мамлакатимиз бўйлаб амалга оширадиган ҳар бир сафари чоғида имкон топиб албатта ёш авлод вақилари билан учрашишга, таълим-тарбия масалалари фаолияти билан яқиндан танишишга интилади.

Бу гал ҳам Юртбошимиз, вақт тизиглига қарамасдан, Сароисиё туманида барпо этилган болалар спорт мажмуини бориб кўрди.

Ушбу замонвий спорт маскани мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат дастури асосида бунёд этилган юзлаб иншоотлардан биридир.

Ислам Каримов спорт мажмуида ёшлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирар экан, «Биз ҳар кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган шioriимизнинг маъно-мазмуни шундай масканлар мисолида яқол намоён бўлиши лозим, деб таъкидлади.

Қарши шаҳрининг марказида бунёд этилаётган болалар боғи ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

Шу мўъжазгина боғ ва унинг ёнида қад кўтараётган янги бозор қурилиши баҳонасида бу ердаги улкан бунёдкорлик иншоотлари, вилоят марказини том маънода замонвий шаҳарга айлантириш, Қаршининг 2700 йиллик тўйини ҳар томонлама муносиб нишонлаш ҳақида муҳим фикрлар, аниқ топшириқ ва амалий тавсиялар билдирилди. Чунки, бу қутлуғ тўй нафақат Қарши шаҳри ёки Қашқадарё вилояти, айни вақтда бутун Ўзбекистон ҳаётидаги буюк санандир.

Олдимизда мана шундай катта тўй-томосшалар, яъни кунлар турлибди. Халқимиз бугунги ҳаёт, эртанги кунга катта ишонч билан қарамқоқда. Бу ишончининг негизидега муммасан бўлган куч – бу ҳамюртларимиз онгу тафаккурида рўй бераётгани ижобий ўғаришларда.

Сурхон замини ва Қашқа воҳасида яшаб меҳнат қилаётган одамларнинг қайфияти, орзу-интилишлари ана шу ўғаришларнинг намоёнидир.

Б. СУЛТОНОВ (ЎЗА).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Энг улуг, энг азиз умуммиллий байрамимиз – Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланиб қолди. Айниқса, кейинги йилларда бу байрамни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, бирча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, юксак совиюда ўтказишга катта эътибор бериллаётганини қайд этиш зарур.

Бугунги кунда халқимиз мустақиллигининг моҳияти ва аҳамиятини аввало ўзлигимизни аниқлаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби

ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳам-жамятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамяти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарт, миллий тарихий-маданият қадриятларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби

ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳам-жамятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамяти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарт, миллий тарихий-маданият қадриятларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби

Мустақиллик байрамининг катта тарихий-сиёсий аҳамиятини назарда тутиб ҳамда бу улуг сананинг 14 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизация, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асосиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига қарама-қарши ҳуқуқий таъсир чораларини (иловага мувофиқ) фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилсин.

2. Кўйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини тек-

раш департаменти томонидан амалга ошириладиган;

назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганилиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар;

фақат қўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа муддатда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўлаб давлатлар, халқаро маданият ташкилотлари, дунё миқёсида танилган машҳур санъат намояндalarининг бу фестивалга бўлган қизиқиши ва эътибори ортиб, иштироки мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг аққол далилидир.

Асосий ғояси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали тили, маданияти, миллий қадриятлари рангбаранг бўлган турли мил-

лат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обуна-эътибори орттиришга хизмат қилаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибининг такомиллаштириш, шунингдек қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолатлари йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси-

нинг 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик қоронхалар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар

(Давоми 2-бетда).

### Изчил ислохотлар йўлида

## Тараққиётнинг янги босқичи

Икки-уч кунки, мамлакат ишбилармонлари, тадбиркорлари, умуман, иқтисодиёт намояндalари давраларида ўзгача жонланиш, янги иштиёқ. Ҳамма орда фикрлар, мулоқазалар бир жойдан чиқиб: Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг бош йўналиши – ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш борасида янги сифат даражасига кўтарилаётгани. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимиз бу борада жаҳондаги энг самарали андозаларни жорий этиш тизимига кирди.

Бу қутлуғ қадам Ўзбекистон Республикаси Президентининг кунчи кеча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган «Бозор ислохотлари чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жалдлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан боғлиқ. Лекин бу қонун ҳужжатининг ғоялари, қондалари ва талаблари бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 27 январдаги қўшма мажлисида Ўзбекистон Иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида мамлакат олдида турган дастурий вазифаларни баён этиб, уни

амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгиллаб берган эди. Уша кезлардаёқ савдо-саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб-чиқариш намояндалари кайфиятида, орзу-интилишларида янги бир руҳ кўзга ташлана бошлаган эди. Асосий фикр бир жойдан чиққан учрашувлар, кенгашлар яхши эсимда: «Ана энди қанот ёйиб, эмин-эркин ишлайдиган вақт келди!»

Бунинг сабаблари йўқ эмасди. Саноатчилар, қишлоқда ишлаб-чиқарувчилар, ташаббускор ишбилармонлар дастлабки қадамларданқоқ турли-туман тўсиқларга дуч келишарди. Янги фармон, унга илоҳи тарихида тасдиқланган қонун ҳужжатлари бунга чек қўяди. Бу ҳужжат – бозор ислохотлари-

лаштириш соҳаларидаги қонунлар ва янги таҳрирдаги Солиқ ва Маъмурий кодексларни яратиш тадбиркорликни рағбатлантириш ва бошқа кўпгина масалаларга оид фармон ва қарорларни ўз ичига олади. Умуман, қисқа муддатда ўтийдиган ортиқ қонун, фармон ва қарорлар, бошқа миллий ҳужжатларни ишлаб-чиқаришга киришилди.

Ислохотларнинг ўтган муддатдаги самараларини эътироф этмаслик мумкин эмас. Ҳеч шубҳасиз шу даврда барча соҳаларда катта ютуқлар кўлга киритилди ва ниҳоят, ўтган йили ялпи ўсиш 8 фоизни ташкил этди. Буни хорижий шерикларимиз, оммавий ахборот воситалари ҳам эътироф этди.

1991 йилнинг 1 сентябрида ўзининг буюк келажаги сари йўлга чиққан Ўзбекистон салмоқли қадамлар билан илгариллаб бормоқда. Бугун унинг табиий бойликлари, иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти тобора тўлик ишга туширилиб, олий мақсад сари ҳаракатлари шахдамлашиб бораёпти. Президентимиз фармонидан белгиланган чора-тадбирлар ва сўвай-ҳаракатларни тобора жўшқинлаштириб, ривожимизга барқарорлик ва тезкор суръат бағишлайоғига шак-шубҳа йўқ.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.



Эртага — Тиббиёт ходимлари куни

Кичкинтойларимиз ардоғи

Бутун жамият эътиборида

Гўдаклар саломатлигини яхшилаш, болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан биридир. Мустақиллик йилларида бу соҳанинг моддий заминини мустаҳкамлашга катта-катта маблағлар сарфланмоқда. Болалар шифохоналарининг ташхис қўйиш, даволаш имкониятлари муттасил кенгайтириб борилаётир.

Бугун шаҳримизда 33 минг 968 бола эътиборда. Уларнинг саломатлигини унча болалар амбулатория-поликлиникаси шифокорлари кузатиб боришдади. Шифохонамизда эса бир йўла 155 бола даволанади. Жамоамиз ўн тўрт ёшгача бўлган болаларга тез тиббий ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари тўғилган оғир кечган ёки туғма асоратли гўдаклар даволанадиган бўлим ҳам ташкил этганмиш. Шифокорларимиз Бўка, Пскент ва Оҳангарон туманларидан олиб келинган дарди оғир болаларни ҳам даволашмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар шифохонамизнинг моддий-техник базасини яхшилаб, муолажалар сифатини оширишга имкон очмоқда. Бугунги кунда 65-70 фоиз даволаш харажатлари шифохона ҳисобидан. Бокучисини йўқотган, кам таъминланган

оилаларнинг фарзандларини тўла шифохона ҳисобидан даволяпмиш. Жамоамиз «Сихат-саломатлик йили»да даволаш ишларини яна ҳам яхшилаш чора-тадбирларини кўрапти. Амбулатория орқали даволаш, поликлиникада тиббий хизмат кўрсатишни замонавий асосларда ташкил этишда ЮНИСЕФ ва «Болалар», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг кўмаги катта бўлапти. Улар маҳаллаларда тушунтириш-тарғибот ишларини ташкил этишга, айниқса, самарали ёрдам кўрсатишаётир. Гўдакларни соғлом ўстиришда эмлаш ва она сутининг аҳамияти, йод танқислигининг олдини олиш борасида ташкил этилаётган суҳбатлар тўбора самарали тус олаётир. Маҳалла ҳамширалари ва шифокорларнинг малакаси ошириб борилаётганлиги даволаш-профилактика ишлари-

Дастур ва ижро

Вилоятимизда соғлиқни сақлаш муассасалари биноларини ташкирлаш, янгиларини қуришга тобора кўпроқ маблағ сарфланмоқда.

Маблағлар сарфи аниқ

Бу йили бюджет ва ширкат ҳўжаликлари маблағлари ҳисобига қишлоқ врачлик пунктларини қуриш, қайта мослаштириш, мукаммал таъмирлаш юзасидан вилоят дастурига 67 та бино ва ишоот киритилган. Утган йили мукаммал таъмирлаш бошланиб, бу йил якунланадиган 29 та ишоотдаги ишлар маҳаллий бюджет даромадининг ошириб бақарилган қисмидан маблағ сарфлаш ҳисобига поёнига етказилди. Ҳозиргача уларнинг 9 таси тўла қўлдан чиқарилди. Яна 15 та бинода таъмирлаш ишлари тугалланмоқда. Улар шу ойнанинг охиригача фойдаланишга топширилади. Айни пайтда шу тоифа даромадлар ҳисобидан бу йил яна 11 та бинони мукаммал таъмирлаш бошлаб юборилди.

Бинолар тўла таъмирдан чиқарилиб, даволаш-муолажа ишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган соғлиқни сақлаш муассасалари орасида Зангиота туманидаги Ибн Сино номи-

Соғлом турмуш асоси

Сихат-саломатлик йили давлат дастурига асосан халқаро «Экосан» ташкилоти ва унинг ҳудудий бўлими томонидан қўллаб-қўллаган амалга оширилмоқда.

Ташкилотнинг Пскент туман бўлими томонидан «Соғлом муҳит — соғлом турмуш асоси» широй асосида ўтказилган тадбирда халқаро «Экосан» ташкилотининг вилоят бўлими ва республика «Саломатлик институти» вилоят филиали вакиллари иштирок этиб, «Соғлом турмуш тарзи ва турмуш маданияти» мавзусида маъруза қилди. Тадбир сўнгида «Экосан» ташкилоти томонидан туман соғлиқни сақлаш бўлимига умумий баҳоси 1 миллион 400 минг сўмлик дезинфекцияловчи «Полисепт» препараты ва юшюк инвентарлар тўплами совға қилинди.

Факт ва рақамлар

→ Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида 95 та шифохона, амбулатория-поликлиника фаолият кўрсатмоқда. → Шаҳар ва туманлар аҳолиси 195 та қишлоқ врачлик пункти, 34 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 12 та стоматология поликлиникаси, 165 та фельдшер-акушерлик пункти, қўлдан қўл бошқа шифохоналарнинг тиббий хизматидан фойдаланмоқда. → Вилоят шифохоналари 1740, шаҳар марказий шифохоналари 3411, туман марказий шифохоналари 5210 ўринга эга. → «Сихат-саломатлик йили»да соғлиқни сақлаш тизимига 30 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши режалаштирилган. → Ахиратиладиган бюджет маблағларининг 52 фоизи амбулатория-поликлиника, 13,5 фоизи шовшинч тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилмоқда. → Вилоят тиббий муассасалари шу йилнинг ўтган мuddатида аҳолига 251 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатди. → Шифо масканлари ўтган беш ой мобайнида 45 миллион сўмлик янги ташхис-даволаш ускуналари олди.



Бўстонлик туманида соғлиқни сақлаш муассасаларининг иши такомиллаштириб бормоқда. Бунда янги тиббий ускуналар ва ташхис қўйиш, даволаш усуллари ўз самарасини берапти.



СУРАТДА: марказий шифохона физиотерапия бўлимининг катта ҳамшираси Дилрабо Маҳмудова навбатдаги муолажалани олиб бормоқда. Даврон АХМАД олган сурат.



Зарифа ИСОМОВА, Олмалик шаҳар бирлашган болалар шифохонаси шифокори.



Башорат САТТОВА.

Давлат, мулк хилма-хиллигидан қатъи назар, барча қорхона ва ҳўжаликлар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари тиббиёт муассасаларидаги хизматни янада яхшилаш учун маблағни ҳам, моддий ресурсларни ҳам аямаетир. Бизнинг Т. Дадажонов номли қишлоқ врачлик пунктида бундай ғамхўрлик ва эътиборнинг ҳосиласидир. Уни қуриш ва жиҳозлашда Ғиёс Умаров номли ширкат ҳўжалиги алоҳида хизмат кўрсатди. Замонавий услубдаги бу икки қаватли бинога турли ихтисосдаги шифокорларнинг қабул ва муолажа хоналаридан ташқари кундузги шифохона, тренажёр мажмуи ҳам жойлашган. Кундузги бўлим ўн ўринга эга.

Дардларга даво излаб

Эл соғлиғи юртнинг бойлиғи ҳисобланади. Шу боис мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, ҳар бир шахс жисмоний соғлом бўлиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Шифо масканимизда олти нафар юқори малакали шифокор, қўли енгил ҳамширалар беморлар дардини ўрганиб, унга даво излашади. Улар беморларни ҳам замонавий, ҳам анъанавий тиббиёт усуллари билан даволашаётир. Шифохонамизда акашарияти хориждан келтирилган энг янги ташхис қўйиш ва муолажа ускуналаридан фойдаланишаётир. Қишлоқларимиз аҳолиси болалар шифокори

Саломатликнинг ёш посбонлари

«Сихат-саломатлик йили» дастури тиббиёт соҳасига мутахассислар етказиб бераётган ўқув даргоҳларига ҳам алоҳида масъулият юклатди. Бизнинг тиббиёт коллежимиз ўқитувчилар жамоатчилиғи соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни изчил амалга ошириб, қўллаб-қўллаган маҳаллий ҳамширалар тайёрлашмоқда. Бу йил коллежимизни 360 нафар йигит-қиз битириб чиқарпти. Уларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларнинг яримдан қўли олий ва биринчи тоифали педагоглардир. Айниқса, Насиба Нурматова, Мехринисо Мадриднова, Олтиной Йўлдошева, Мақсуда Қосимова,

Материалларни «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жура САБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Дилдан меҳр бағишлаб

Бизнинг Янгиобод қўрғонимиз шундоққина тоғ ён бағрида. Об-ҳавоси киши танасига куч-қувват, рўҳига тетиклик бахш этади. Шифохонамизни жаннатмакон боғ, деб атагим келади. Шарқираб оққан сойнинг салқун ҳавоси, дарахларнинг қуюқ сояси, сайроқи қушларнинг сарҳардон бошланувчи қувноқ «қўшиғи» кўнгилдаги ғуборни бир зумда тарқатиб юборади. Беморларнинг ҳам унутиб қўясан, киши. Аввало, ҳеч бир инсон касал бўлмасин. Лекин ҳаёт доим бир текисда давом этавермайди. Шундай вақтларда бизга мурожаат қилишганда, бор билим ва имкониятларини ишга солишимиз. Шифохонамизда бунинг учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Беморга биринчи навбатда хотиржамлик муҳимлигини ҳисобга олиб, зарур кулайликларни яратишга харажат қиламиз. Сихат-саломатлик йили муносабати билан шифохонамизда ўрин учун ҳақ олинмайдиган бўлди. Миҳозлар оҳсонда тайёрланадиган дармондорили, парҳез таомлар билан ўз хоҳишларига қўра овқатланади. Физиотерапия муолажалари ҳам ўзимизда бақарилди. Шифохонамизда замонавий асбоб-ускуналар билан бойитиш давом этапти. Юрак, қон томир, асаб хасталиклари, ички касалликлар муваффақиятли даволанмоқда. Бош шифокоримиз, тажрибали невропатолог Р. Шокиржонов игна билан даволаш усули орқали кўпчиликнинг дардида дармон бўлапти. Ҳамширалар Н. Умурақова, С. Задорожная, В. Яковенко буюрилган муолажаларни ўз вақтида, малакали бақариш билан бирга ҳушмуомалликларни тўғайли меҳр қозонишган. Шифохонамизда нафақат Ангрэн ва Оҳангарон, балки вилоятнинг бошқа шаҳарларидан, Тошкент ва Андижондан келган беморлар ҳам даволанмоқда. Мавлуда ИСОҚОВА, Янгиобод шифохонаси терапевти.

Қўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖ Сизларни 2005 йил 19 июль куни соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖ савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога қўйиладиган қўйилади: 1. Оҳангарон шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида яқка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Оҳангарон шаҳар, «Тинчлик» ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 гектардан бўлган 16 та ер майдони. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 61 600 сўм. 2. «Манавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти бўлимига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли, давлат

рақами 10 ВВ 601 бўлган автотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси — 1 067 800 сўм. Сизларни 2005 йил 19 июль куни соат 12.30 да Бўка тумани Суд ижрочилари бўлими билан ҳамкорликда «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖ савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг буйруғига асосан Бўка тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган «Навий» ширкат ҳўжалиғига қарашли, Бўка тумани, «Навий» ширкат ҳўжалиғи ҳудудидаги — икки қаватли маъмурий бино — бошланғич баҳоси — 7 218 302 сўм; — омиборхона биноси — бошланғич баҳоси — 702 652 сўм; — боғча биноси — бошланғич баҳоси — 2 972 974 сўм.

Ушбу ер майдонлари савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади. Ушбу автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объектлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Сотувга қўйилган ер майдонлари ва автотранспорт воситаси сотилмаган тақдирда 2005 йил 26 июль, 2, 9, 16, 23, 30 август ва 6, 13, 20, 27 сентябрь кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига ўтказилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефон: 133-28-52, факс: 133-43-73.

ТЕЛЕ ДАСТУРЛАР

- ДУШАНБА, 20 «Ўзбекистон» 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Таҳлилнома» 8.45 «23. 5 даражали бурчак остида», Телесериал. 9.35 «Бизнес ҳафта» 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 11.35 «Яшиллик» 12.00 Янгиликлар. 12.05 «Дастурхон атрофида» 12.25 «Интеллектуал ринг» 13.10 «Бегона», Телесериал. 14.00 Янгиликлар. 14.15 «Тамалдузи» 14.35 «Йиллар армони» 15.25 «Ҳаёт ва қонун» тележурнали. 16.00 «Олам» 16.20 «Болалар сўёёраси» 17.10 «Кундуз бобо ҳикоялари» Мультфильм. 17.45 «Равнак» студиясининг намойиш этади. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Аёл қалби», Телесериал премьераси. 19.10 Оқшом эртаклари. 19.25 «Ўзлото» кундалиғи ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55 «Бир ўлка-ки», 1-қисм. 20.20 Ўзбек мумтоз музикаси. 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон ёшларининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайд» ватанпарварлик фестивалидан репортаж. 22.45 «Ўзбекфильм» студияси: «Мехрибонлик» Бадий фильм. 23.55 «Ахборот-дайджест». 00.15-00.20 Ватан тилмолари. «Шилор» 17.25 Қўрсатувлар дастури. 17.30 «Давр» ҳафта ичида. 18.00 «Янги авлод» почтаси. 18.20 Сув-ҳаёт манбаи. 18.25 2005 - сихат-саломатлик йили. Қишлоқ врачлик амбулаторияси, 12 та стоматология поликлиникаси, 165 та фельдшер-акушерлик пункти, қўлдан қўл бошқа шифохоналарнинг тиббий хизматидан фойдаланмоқда. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 22.35 ТВ-анис. 19.40 Ишга марҳамат! 19.45 Ҳамкор-2005. 19.55 Муслиқ лаҳза. 20.00 Спорт-лото. 20.10 Ёшлар овози. 20.30 ТВ-авадат. 20.35 21.25 Ёшлар овози. 20.40 «Муҳаббат мажораси», Телесериал. 21.30 Олис манзиллар. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.45 «Эмеральда», Телесериал. 23.15 «Оқшом юлдузи» Дам олиш ва ахборот дастури. 00.15 - 00.20 Ҳайрли тун. «Тошкент» 17.20 Қўрсатувлар тартиби. 17.30 ТВДА сериал: «Кўркмас ва доврақлар». 18.20 Мультфильм. 18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус). 18.50 «Экспресс» телегазетаси. 19.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда». 19.30 «Табриқлаймиз, қутлаймиз». 20.00 «Пойтахт» ахборот дастури. 20.20 ТВДА сериал: «Морена Клара». 21.0 «Сўз беринг». Ток шоу. 21.40 «Экспресс» телегазетаси. 22.00 Киноингоҳ. «Алибобо ва кизик қароқчи», 1-қисм. 23.05-23.10 Ҳайрли тун, шаҳрим! «Спорт» 7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бодро утро». 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.00 Мультфильм. 9.10 «Сам себе режиссёр». 10.00 Таёна Габиева «Пятакора». 10.40 «Садко». Бадий фильм. 12.10-13.45 Футбол. Конфедерациялар кубоғи. 16.55 Қўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида) 17.15 Мультфильм. 17.25 Жаҳон спорти: «Проф-ринг». 18.25 «15 - А» Сериал. 18.50 «Жди меня». 20.00 «Вести». 20.20 Премьера «Близнецы». Сериал (Республика Корея) 21.15 «Спортимиз маликалари». 21.30 «Хабарлар». 21.45 «Футбол плюс». 22.15 Футбол. Конфедерациялар кубоғи. 23.50 «Тунингиз оуда бўлиш!» 7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бодро утро». 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.00 Мультфильм. 9.10 «Жойяка судья». Сериал. 10.10 «Вокруг света». 11.00 «Последний романс». Художественный фильм. 13.20 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати. 13.50-14.20 Теннис. Ўзбекистон кубоғи. 16.55 Қўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида) 17.15 «Болалар спорти». 17.30 Теннис. Ўзбекистон турнири. 18.00 «15-А». Сериал. 18.25 Кураш. Халқаро турнир. 19.25 «Синемания». 20.00 «Вести». 20.20 Премьера «Близнецы». Сериал (Республика Корея) 21.15 «Спорт - менинг ҳаётим». 21.30 «Хабарлар». 21.45 «Футбол шаҳри». 22.05 «Кулгу тайм». 22.25 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 24.00 «Тунингиз оуда бўлиш!» Утярний аттестат зрелости, выданный в 2004 году средней шлолы № 6 Аккурганского района Ташкентской области О'Р-В 83359 на имя Аджавовой Лейлы Раисовны, СЧИТАЕТ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Утярнюю книгу учета доходов и товарных операций в розничной торговле частного предпринимателя на имя Биккулова Р. Р. СЧИТАЕТ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Представительство ООО «Azia Bridge» Мирабадского района г. Ташкента (код ОКПО 19141855) ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение месяца со дня публикации по тел: 120-40-30.

# Ўқувчилик даврини эслаб

Паркент туманидаги 1-ўрта мактабда 25 йил аввалги битирувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.



Мактаб директори Тохир Абдуғафоров йилгиланларни кутлаб, ушбу даргоҳдан қанчадан-қанча олиму шоирлар, устоз ўқитувчилар, боғбону соҳибкорлар, фермерлар, тадбиркорлар етишиб чиқаётганлиги ҳақида гапирди. Чорак аср вақт ўтгач, шогирдлар устозларни худди кечагидек ёдга олдилар. Эшон Турсунов, Қутбиддин Бузруков, Маъфират Абдуганиева, Париза Курбоналиева сингари кекса муаллимлар даврасида синфдошлар ўзларини ўқувчилардек ҳис этиб, мириқиб сўхбатлашдилар.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

Зиёвуддин ҲОЛИҚОВ олган сурат.

## Қатра

# Қалдирғочи қайтган уй

Қалдирғоч уя қурган хонадон фойзалари бўлади дейишларига унчалик ишонмасдим.


Қушлар хоҳлаган жойда макон тутади, деб ҳисоблардим. Бироқ, оиламизда юз берган баъзи кўнгилсизликлар туфайли бу қушнинг ҳақиқатан ҳам яхшилик элчиси эканлигига амин бўлдим.

Бундан беш йил аввал ошхонамизга қалдирғоч ин курди. Уйдагилар хурсанд бўлишди. Уни Яратганнинг бизга юборажақ эзуғилариридан хабарчи сифатида қарши олишди.

Ҳақиқатан ҳам ўша йили синглимни турмушга бердик, ситиримиз тугди, рўзгоримизга барака кирди. Қушларнинг келгуси йилги ташири ҳам оиламизга хурсандчиликлар олиб келди... Мен эса барчасини одатдаги ҳол сифатида қабул қилардим.

Туртинчи йили негадир уйимизнинг қадрдон меҳмонлари ўз инларига қайтмадилар. Ота-онам бу ҳолдан ташвишга тушибди. Ҳар гапларида Худонинг бизга ёзган кўнгилсизликларини бўлмасайди, дея қалдирғоч уясига хўрсиниш билан тикилишарди.

Бу бежиз эмас экан. Ўша йили отам қаттиқ дардага чалиндилар, юрак хуружи туфайли, ҳатто, улардан айрилишимизга бир баҳа қолди. Рўзгорда ҳам кам-кўстлар сезила



бошлади. Хали у-хали бу етмайди, бошни ёпсақ, этак очилиб қоларди. Шу йили оиламиз сабрбардош билан қаттиқ синквалдарин ўтди...

Эрта баҳорда яна икки қалдирғоч уйимизда пайдо бўлди.

Бу ширин жуфтлик эски инни таъмирлаб, бола очиш тараддудига тушибди. Ҳамма хурсанд, ота-онам, турмуш ўртоғим, синглим уларнинг чугур-чугурини тинглаб, бетиним ҳаракатларига махлиб. Мен ҳам бу қушлар оила бахти, файзу баракаси раъзи эканлигига ишондим.

Равшан БЕК.



# Ватан – саждагоҳдир, тинчлик – бир неъмат

Ғазалкент не-не анжуманларга, дунёнинг етти иқлимидан келган турли тилда сўзлашувчи одамлар иштирок этган не-не давраларга гувоҳ бўлмаган. Лекин ўтган пайшанба кун Бўстонлик сойлари, даралари, далалари бўйлаб бетакор нозим байрами кенг қанот қоқиб ўтди. Шаҳарнинг бош майдонидига муҳташам саройга атраф қишлоқлардан нозим шайдолари тўпланишди. Ватан, эрк, тинчлик, озод меҳнат ҳақидаги оғоҳликка даъват этувчи тўққинчи шеърлар ўқилди.

Мушоира «Тинчлик кунларининг қадрига етайлик» шiori остида ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигида Ғазалкентга ташриф буюрган уч авлод шоирлари Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёни, кенг қўламли ислохотларнинг самаралари, ўзининг буюк келажагини барпо этаятган Ўзбекистоннинг бугунги равнақи, тинчлигимизга хавф тугдиратган террорчилик ва экстремизмнинг илдизини қирқиш ҳақида гапирди.

— Мамлакатимизнинг равнақ топиб бораётгани, тинч бунёдкорлик ишларимиз ганимларимизнинг оромини бузапти, — деди Абдулла Орипов. — Бебаҳо бойликларимиз уларнинг ҳаловатини бузаяпти. Андижонда рўй берган воқеалар бир хову террорчи-экстремистларнинг муқаддас аъёнларимиз, азалий қадриятларимизни оёқости қилишига, тинчлигимиз, баҳам-



жиҳатлигимизга раҳна солишга навбатдаги уриниши бўлди. Лекин ўз Юртбошимиз теварагига жиғслашган халқимиз яна бир бор ўз қудратини, яқдиллигини намойиш қилди.

Минбарда шоир Рустам Мусурмон. У ўқийётган сатрлар залда йилгиланлар қалбига етиб борди: *Ҳар бир элнинг оқили бор, эси бор, Мард иштининг элдан бошқа неси бор? Элда юрб элга эл бўлмаган Малъуларнинг муҳови бор, неси бор...* — Мен — онаман, — деди шоира Умида Абдуазимова. — Оналар тинчликни юракдан ҳис қилишади. Ватан равнақи-

дан оналарчалик баҳраманд зот дунёда йўқ. Лекин Андижон воқеалари кўрсатдики, биз — оналар фарзандларимиз тарбияси билан жиддий шугулланмай қўйганимиз. Болаларимиз қандай китоблар ўқияпти? Уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатаётган совуқ шабадалар қаёқдан эсмоқда? Болаларимиз уйдирмани ҳақиқий аҳволдан, ёлғонни ростдан фарқлай оладиларми? Биз болаларимиз тарбиясига шундай нуқтай назар билан ёндошиб, уларни ватанпарвар, ўз халқига садоқатли инсонлар қилиб ўстиришимиз керак.

Залга йилгиланлар халқ шоирлари Халима Худойбердиева, Александр Файнберг, Омон Матчон, Жуманиёз Жаббаров ва бошқа ижодкорларнинг эрк, она, она-Ватан, тинчлик, садоқатни қуйловчи шеърларини тўққинчи тинглашди. Мушоирани вилоятимиз шаҳар ва туманларида яшаб, ижод қилаётган шоир ва шоиралар давом эттиришди. *Эрк — тинчининг учиди лаб ёрган гунча, Жонни фидо этмай, унга етмак йўқ, Ватан! Энди қаддини кўтармагунча Дунёга келмак бор ва лек кетмак йўқ...*

## Шундан кейин

### ҚЎЛЁЗМА ҲАМ ПУЛ

Исроил давлати тарихининг муҳим ҳужжатларидан бири — «Бальфур декларацияси» қораламаси пайшанба кун Sotheby's аукционидида 884 минг долларга сотилди. «Декларация»нинг шу кунларгача сақланиб қолган ягона ёзма қораламасини харид қилган кимса ўз исми ошкор қилинишини истамасди.

### АРЗОН АЖАЛ УРУҒИ

Россиянинг Урал худудидида алкоғолдан захарланиш эпидемияси бошлангани айтилмоли бор. Бунга мазкур худуд дорихоналарида таркибидида спирт билан бирга дезинфекцияловчи препаратни ҳам бўлган «Антисептин» дезинфекцияловчи препарати оқиб савдога чиқарилгани сабаб бўлаётди. Уни ичга истеъмол қилиш ҳаёт учун хавфли, аммо арзон ичимликлар ишқибозларини бу таҳдид тўхтатиб қолмаётган.

### ПОТТЕРДАН УЗИБ КЕТДИ

Forbes журналі рейтингига қўра, кейинги пайтда анча шов-шувга сабаб бўлган «Да Винчи коди» детектив асари муаллифи Дан Браун ўтган бир йил мобайнида машҳурлик ҳамда ишлаб топилган миллионлар борасида Гарри Поттер ҳақидаги қиссалари билан донг таратган Жоан Роулингдан узиб кетди. 2004 йилнинг июнидан 2005 йилнинг июнигача америкалик бу адиб 76,5 миллион доллар даромад қилди, британиялик адибга тоғлан пул эса 59 миллион доллардан сал ошди холос.

### ЯНАДА ЗАМОНАВИЙРОҚ

Subaru Impreza модели янгиланган турининг Европада расмий тақдими шу йилнинг кузидида Франкфуртда ўтказилган автошоуда уюштирилиши режалаштирилмоқда. Ушбу тур кузовининг олд қисми янгича безатилиб, салон ва двигатели замонавийлаштирилган, максимал айлантириш лаҳзаси эса 0-100 км/с соатга 10,5 секундга қисқарган.

# Маънавият — инсон камолоти

Ёшларнинг маънавий камол топишида таълим муассасаларининг ўрни катта.

Бу соҳада лицейда олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари — ўқувчиларни миллий истиқлол гоёси ва мафқураси руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳаётга фаол муносабатини шакллантириш, бошқа миллат ва халқларни ҳурмат қилишга, уларнинг миллий қадриятларини улғушлашга ўргатиш, жамият тараққиётига хавф тугдиратган ҳар қандай иллатларга муросясиз курашчи, Ватан, халқ, оила олдидаги масъулияти, ота-она, устоз, маҳалла, эл-юрт олдидаги бурчларини англаш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Бу ишларнинг ҳаммаси бевосита кутубхона, гуруҳ раҳбарлари, руҳшунос, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, жисмоний тарбия, тўғарақ раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Жумладан, «XXI аср вабоси» деб ном олган гиневандлик ва унинг зарарли оқибатлари, ОИТСга қарши курашга бағишлаб расмлар танловлари ташкил этилиб, наркологи

диспансери шифокорлари билан учрашув ва давра сўхбатлари ўтказилди. Шунингдек, ушбу мавзуларга доир ҳаётий воқеалардан тўғри сабоқ олишга қақирадиган тарбиявий фильмлар ҳам намойиш этилди.

Шу билан бир қаторда республикамиз ҳаётига оид тарихий саналар, байрамлар муносабати билан адабий кечалар, деворий газеталар танлови эълон қилинади.

Ижтимоий фанлар йўналишида ўқийдиган талабаларнинг Алишер Навоий таваллуди билан боғлиқ ҳафталигидаги иштироки эса маҳорат мактаби вазифини ўтайди.

АКСЕЛС жамғармаси вакиллари билан «Америка ёшларининг ҳаёти ва турмуш тарзи» мавзусида ўтказилган сўхбатлар ўқувчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Расмари Шоу ва Лиза Грексменлар ўқувчиларнинг барча саволларига батафсил жавоб бердилар. Бу ўзаро ҳамкорлик барча халқлар ва миллатларга ҳурмат ҳиссини уйғотиши мум-

қаррадир. Лицейимиз ўқувчилари 2004 йилда «Энг яхши китобхон» танловидида, «Кўноқлар ва зукколар», «Замона ёшлари» кўригидида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Бахтинисо ЙЎЛЧИЕВА, лицей раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбасари.



# Янги педагогик технологиялар асосида

Бугунги ўқитувчи нафақат ўз фанини, балки барча фанларини, даврда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни тереин англаб, уларни ўқувчиларга етказиши лозим. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳам мана шу хиялларни кенг қамраб олади.

Ўқувчиларнинг истеъдоди ва иқтидори ҳисобга олинмаси, уларнинг қизиқишларини тўғри йўналтирмасак, янги педагогик технологияларнинг аҳамияти хусусида гапириб қолмай йўқ. Чунки, янги педагогик технологиялар тўғри татбиқ этилгандагина, у яхши самара беради.

Бугунги кунда ўқувчиларимиз ҳар бир дарс машғулотини ўзига хос тарзда, бевосита ўқувчиларнинг бахс-мунозаралари асосида ташкил этмоқда. Тестлар, расмлар, муҳокамали топшириқлар, турли мавзуга доир кроссвордлар, грамматик ўйинлар, лингвистик ҳатлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги ёшларни ўзига эргаштиришда устоздан жуда катта билим ва маҳорат талаб этилади. Ўқитувчининг яхши қўлдан ўқувчи эса албатта, фанларини яхши ўзлаштиради. Бунга мисол тарихида ёш, аммо тажрибали биология фани ўқитувчиси Акбаржон Эшонжон фаолиятини кўрсатиш мумкин. Унинг хонасига кирсангиз, табиятнинг муъжаз бир оламига сайр этгандек бўласиз. Бу бежиз эмас. Хонада хонаки гулларнинг барча турларини учратингиз мум-

кин. Шунингдек, у ерда биология фанига оид барча жиҳозлар, компьютерлар мавжуд. «Биология дарси, назаримда, қисқа вақтда тугаб қолади», дейди тиббий йўналишда ўқийётган ўқувчилар. Чунки, ўқитувчи ҳар бир ҳақиқатдан унумли фойдаланиб, ўқувчилар диққатини ўзига қарата олади. Дарсларда ўзаро мусобақалар, «Заковат» интеллектуал ўйинлари тез-тез ўтказиб турилади. Ёшларимизнинг бугунги кундаги хорижий тилларга бўлган қизиқишлари муаллимдан

кўпроқ билим талаб этмоқда. Бу борада инглиз тили ўқитувчиси Галина Нам ўқувчиларга бемалол дарс ўта олади. У ёш бўлишига қарамай, ўз илми ва салоҳияти билан ҳурмат қозонди ва болаларнинг энг сеvimли устозларидан бирига айланди. Лицейда «Ойнинг энг яхши ўқитувчиси», «Йилнинг энг илгор ўқитувчиси» каби танловларни ташкил этишимиз ҳам бевосита ўқувчиларимизни доимий излашларга қорлайди. **НОДИРА БАРОТОВА,** етакчи ўқитувчи.

# Ривожланиш илмдан бошланади

«Тараққиёт — тасодиф эмас, балки заруратдир», дейди В. Гюго. Тараққиётга бевосита таълим орқали эришилади. Бу жараёни ривожлантиришда эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари муҳим ўрин тутмоқда.

Ангрен академик лицейи беш йил ичида вилоятдаги намунали ўқув юртиридан бирига айланди. Лицейда ўқув машғулотлари энг замонавий ўқитиш воситалари ёрдамида тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Шунинг учун бу ерда таълим олаётган талабалар ўз йўналишлари бўйича вилоят ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда иштирок этишиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Лицейнинг чет эл давлатлари билан ҳам алоқаси яхши.

Узлуқсиз изланишлар ўқитиш билимининг кенгайишида, давр талаби даражасидаги педагог бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу йўлдаги мақсадлар лицей ва унда меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. **ШАҲИЗОЗА РАҲИМОВА,** ТВДПИ III курс талабаси.

## АНГРЕН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ 2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Электрон ҳисоблаш машиналари оператори.
2. Компьютерда офис жиҳозларини соловчи.
3. Беморлар парвариши бўйича тиббиёт ҳамшираси.
4. Кимёвий таҳлил лаборанти.
5. Иш юритувчи.
6. Компьютер саводхонлигини ўргатувчи тарбиячи.
7. Техник таржимон.

Лицейга 9-синфини муваффақиятли тамомлаган иқтидорли йигит ва қизлар қабул қилинади. Манзил: Ангрэн шаҳри.



<b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА	<b>Муассис:</b> <b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</b>	<b>Бош муҳаррир</b> вазифасини бажарувчи <b>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</b>	<b>Шеффонлар:</b> Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.	<b>Манзилимиз:</b> 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. <b>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида торилди ва сақланади.</b>	• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
---	---	---	--	---	---	--